



Мусулмонлар ёвлашса (Махтумкули)



Мусулмонлар ёвлашса бир — бирига,
Давлат кайтиб, динлар нуксона келгай.
Зулм айлаб, бир — бирин олса асирга,
Фалак бу ишлардан пушмона келгай.

Бир-бирини чопмок эмас эрликдан,
Бу иш шайтондандир, балки кўрликдан,
Манманлик айиргай элни бирликдан,

Давлат кетиб, навбат душмона келгай.

Яхшилик камайиб, иймон кисилса,
Ёмонлар кутуриб, йўллар кесилса,
Шариат бўшашиб, номус эзилса,
Замонанинг изни шайтона келгай.

Тингла, маскан тутган киши чўлларда,
Садака камайса улуг элларда,
Халкустига кахаттушиб, йилларда,
Хасталик кўпайиб, касд жона келгай.

Мусулмонсан, хабардор бўл “Зулол”дан,
Харомдан коч мудом, изла халолдан,
Ўлчовдан урсалар, юртнинг ваболдан,
Баракати кўчиб, османа келгай.

Сўзимни олгайлар билганлар калка,
Муродим — насихат айламок халкка,
Козиси гап укмас, беги паст ўлка,
Ёмгир ёғмай, ери кизмона келгай.

Шаррга шухрат бермок — шайтоннинг кори,
Кахрин ютмок эрур — Раҳмоннинг кори,
Кўпайса хар элнинг бошлиқ — саркори,
Низоми бузилиб, вайронা келгай.

Парвардигор Ўзи — факирга панох!
Ул кимдир, бўлмагай тилида сано?!

Кайси юртда агар кўпайса зино,
Ерлари кимиirlаб, ларзона келгай.

Махтумкули, турсам сўзим сочмокка,
Англамаслар шайланади кочмокка,
Кайси халк кўнинса шароб ичмокка,
Юртда ўлат таркаб, вайронана келгай!..

Шарх: Мусулмонлар ёвлашса...

Эй фарзанд, билиб кўйки, мусулмонлар ўзаро ёвлашса, динда нуксон, давлат ва жамоада парокандалик пайдо бўлур. Икки муслимнинг бир-бирига килич ўқталиши фалакларни ларзага келтиради. Илло, ноҳак кон тўқмок эрнинг иши эмас. Консираган кимсалар шайтон куткусидан кўр бўлиб колган кимсалардир. Барча ёвузликларнинг боши кибрда, манманликка. Такаббурлари урчиган халк ўз эркини душманга топшириши шубхасиз. Хайрли амаллар ноёб бўлиб, иймон азият чекса, ёмонлар кутуриб, эзгулик йўллари бекилса, шариат курук сўзга айланиб, ор-номус ўрнини бехаёлик эгалласа, англагилки, бу эл ўз ихтиёрини шайтонга топширибди. Эл ичра саховатли кишилар

камайса, одамлар садака нима эканин унутсалар, бу халк узок қахатчилик, очлик балосини кутаверсин. Эй азиз фарзанд, жохиллик ва залолатдан хазир бўл. Харом лукмага алданиб колма. Котган нон есанг-да, халолдан топиб егин. Бозорларда тарозилар издан чикса, ўлчов сўзи ёлгонга айланса, юртдан барака кўтарилигай, вабо бало бўлиб босиб келгай. Бу сўзларим маъносини укканлар хотиржам ётмаслар. Ётганлар оёкка туарлар, юрганлар югуарлар. Чин насиҳатим, айтар хикматим шуки, адолатсиз кози, порахўр беклар сабаб элни кургокчилик тутар. Хосиллар унмас, дарахтлар курир. Ёмонликнинг яхши бўлиб кўриниши шайтондан, жахлни ютмок эса Рахмондандир. Агар бир эл бошига ўнлаб хоким пайдо бўлса, бу эл вайронликка юз тутар. Шукрки, факирнинг панохи Парвардигорнинг ўзидир. Худони танимаганлар жамоасида эса ўгрилик, ёлгон, зино кўпаюр. Бу гунохнинг касридан ер ларзага келур. Шахарлар вайрон бўлур. Махтумкули Ҳак сўзни баён этмокка шайланса, гофил кимсалар ундан кочмокка шошилади. Шароб ичишга одатланган халк бошига эса, ўлат таркалур.

Рахматуллоҳ Носирнинг
"Соз билан сухбат" китобидан